

Бахром Номазов

Қарши мухандислик-иқтисодиёт институти

СОЛИҚ ТИЗИМИ МОДЕРНИЗАЦИЯСИНING КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ХУСУСИДА

Аннотация: Мақолада солиқ тизими модернизациясининг концептуал асосларини такомиллаштиришнинг зарурлиги ва аҳамияти, ҳозирги замон хусусиятлари ва муаммолари давлатнинг замонавий солиқ менежменти нуқтаи-назаридан кўриб чиқилган. Иқтисодий ўсиш барқарорлигини таъминлашнинг молиявий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида давлат фискал вазифалари, хусусан давлат бюджетининг солиқли даромадлари самарали ижроси устуворлиги солиқ тизими модернизациясининг концептуал асосларини такомиллаштиришнинг концептуал асосларини яратишни талаб этади.

Калит сўзлар: солиқ, солиқ тизими, солиқ тизими модернизацияси, солиқ тизими ислоҳи, солиққа тортиш тамойиллари, солиққа тортиш функциялари.

ON THE ISSUES OF IMPROVING THE CONCEPTUAL BASIS OF THE MODERNIZATION OF THE TAX SYSTEM

Abstract: The article examines the necessity and importance of improving the conceptual foundations of the modernization of the tax system, the features and problems of the present time from the point of view of the state's modern tax management. In order to strengthen the financial foundations of ensuring the stability of economic growth, the priority of the effective implementation of state fiscal tasks, in particular, the tax revenues of the state budget, requires the creation of conceptual foundations for improving the conceptual foundations of the modernization of the tax system.

Keywords: tax, tax system, tax system modernization, tax system reform, taxation principles, taxation functions.

Кириш

Ҳозирги вақтда жаҳон иқтисодиётининг байналмилаллашуви ва интеграцияси жараёнларининг кучайиши шароитида, бир томондан, миллий иқтисодиётларда ўзгаришлар кучайиб бормокдаки, бу жараён давлатнинг иқтисодиётга аралашуви даражасининг пасайишига олиб

келиши, иккинчи томондан эса, давлат томонидан тартибга солиш янги шароитларга мослашиши керак бўлган жаҳон иқтисодиётини ташкил этишнинг янги шакллари пайдо бўлмоқда. Шу муносабат билан иқтисодиётнинг глобаллашуви ва интеграция жараёнларининг ўсишининг ҳозирги босқичида солиққа тортиш тизимини модернизациялаш масалалари тобора долзарб бўлиб бормоқда.

Шунинг учун бугунги кунда кўплаб мунозараларга сабаб бўлаётган солиқ тизими ислоҳининг, солиқ тизими модернизациясининг концептуал асослари билан бир қаторда жаҳон солиқ амалиётининг самарали солиққа тортиш моделларига, етакчи брендларига оид амалий масалаларини концептуал асосларини алоҳида бир йўналиши сифатида комплекс ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бундай шароитда давлат хорижий инвестицияларни кенг жалб қилишдан манфаатдор бўлиши ва қулай солиқ муҳитини яратиши керак. Солиқ тизими иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш молиявий механизмининг асоси ва энг муҳим иқтисодий тартибга солувчи воситаларидан бири бўлганлиги сабабли, уни модернизация қилиш ўта мураккаб ва кўп томонлама хусусиятга эга жараёндир. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини модернизатсия қилиш жараёнининг илк босқичи кузатилаётганлиги ҳамда унинг давлат бюджети даромад қисмини шакллантиришнинг асосий механизми бўлганлиги сабабли уни модернизация қилиш ресурслари ва кўламини янада чуқурроқ ўрганиш ва баҳолаш зарур.

«2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»[1]да асосий устувор йўналиш сифатида «солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш» белгиланган. Мазкур вазифалар “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси” да ҳам янада қатъий ва кенг қамровли тарзда қўйилди: «...солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш [2]» муҳим йўналиш сифатида белгилаб берилган.

Солиқ тизимини модернизация қилиш натижаси кўп жиҳатдан давлат солиқ сиёсати мамлакат солиқ тизимини модернизация қилиш лойиҳасини молиялаштирувчи халқаро молия-кредит институтларининг талабларига

кандай жавоб беришига ва бу талаблар солиқ тизимини модернизация қилишнинг ҳамда миллий иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятларини қандай ҳисобга олишига боғлиқ. Солиқ тизимини модернизация қилиш муаммосининг аҳамияти яна шунда ҳам намоён бўладики, ҳозирда нафақат йирик корхоналар, балки кичик ва ўрта бизнеснинг ҳам жаҳон бозори иқтисодиётига интеграциялашув жараёни кузатилмоқда. Шунинг учун мазкур илмий мақоланинг мавзуси жуда муҳим ва долзарб масалага – ҳозирги босқичда Янги Ўзбекистоннинг солиқ тизимини шакллантиришнинг назарий жиҳатларини, уни модернизация қилишнинг юқоридаги сабабларини ҳисобга олган ҳолда ўрганишга бағишланган.

Адабиётлар таҳлили

Солиқ Кодекси, бошқа қонуности ҳужжатларда “солиқ тизими” тушунчасига таъриф берилмаган ҳамда солиқ тизими модернизацияси зарурлиги ва уни амалга ошириш тартиби белгиланмаган. Шу билан бирга, иқтисодий адабиётда солиқ тизимини таърифлашда ягона ёндошув йўқлигини кўришимиз мумкин.

Хориж адабиётларида ушбу категория негизида аксарият ҳолларда молия тизимининг таркибий қисми ва давлат стратегик солиқ сиёсатининг муҳим баҳоловчи кўрсаткичи тушунилади. Жумладан, Карола Пессино ва Рикардо Феночьетто (Carola Pessino & Ricardo Fenochietto, 2016) тадқиқотларида қайд этилишича, солиқ тизими мамлакатда амал қилувчи молиявий қонунчилик асосида солиқ тўловлари, имтиёзлари ва амалдаги солиқ режимидан самарали фойдаланиш асосида солиқ тушумлари реал ижроси ҳамда давлатнинг солиқли даромадлар асосидаги молиявий имкониятлари истикболларини белгилашга оид тадбирлари йиғиндиси тушунилади[3].

Жорж Чун-Ян Куо (George Chun-Yan Kuo, 2015) солиқ тизими фаолияти мақсадини ҳозирги замон шароитида давлат солиқ хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим йўналиши деб қараб, бунда солиқ тўловчиларнинг солиқ тўлай олиш ёки давлатнинг даромад олиш қобилияти баланси эътиборда бўлиши лозимлигини таъкидлайди[4].

Таҳлиллар кўрсатишича, иқтисодий адабиётда солиқ тизими модернизацияси натижаларини назарий асослашда бир неча илмий ёндошувлар мавжуд:

Айрим муаллифлар “солиқ тизими модернизацияси натижаси - солиқнинг фискал функциясидан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичи” [5] сифатида тушунадилар. Мазкур тушунчани амалдаги қонунчилик

асосида белгиланадиган солиқ мажбуриятларининг бажарилиш тўлиқлиги сифатида ишонарли таърифлаш ва маълум даврда солиқ мажбуриятлари миқдорида келиб тушадиган солиқ тўловлари миқдори нисбати тарзида ифодалаш мумкин.

Яна бир гуруҳ муаллифлар “солиқ тизими модернизацияси натижасининг моҳиятини солиқ органлари фаолиятининг рейтинг кўрсаткичи” [6-8] сифатида асослаганлар. Ушбу кўрсаткич солиқ тўловлари ҳақиқатдаги тушумлари миқдорини ўрганилаётган даврнинг энг кўп миқдорида бўлиш йўли билан ҳисоб-китоб қилинади. «Солиқли даромадларнинг юз фоиз ижроси» тушунчасининг ўзи маълум даражада шартли. Бу шартни тўлиқ амалга оширишнинг имконияти йўқ, чунки амалиётда йил давомида солиққа тортиладиган даромад ва бошқа объектларнинг умумий миқдорини солиққа тортиш базаларини режалаштиришдаги статистик хатолар, солиқ тўловчиларнинг солиқни тўлашдан бўйин товлаши, солиқ имтиёзларининг жорий этилиши туфайли тўғри аниқлашнинг иложи йўқ. Ушбу ҳолатлар солиқ тушумлари ижроси даражасини фақат макродаражада, яъни республика, вилоят ва туман доирасида аниқлаш зарурлигини асослайди, чунки микродаражада, корхона даражасида солиқ тушумлари ижросини аниқлаш мантикий жиҳатдан олиб қаралганда мақбул эмас. Бинобарин, корхона миқёсида солиқ тушумлари ижроси даражасини аниқлашга нисбатан тўланган солиқлар миқдорини ёки унга тескари тушунча бўлган солиқ қарздорлиги миқдорини аниқлаш маъқулроқ.

Айрим иқтисодчилар “солиқ тизими модернизацияси натижасининг бош миқдорий- фискал мезони бўлган – солиқ тушумлари ижроси даражаси кўрсаткичи ҳақиқатда тўланган солиқлар суммасини тегишли бюджетлар солиқли даромадлари режасига бўлиш орқали ҳисобланиши”[9]ни таъкидламоқдалар. Аслида, ушбу тартибда ҳисобланган кўрсаткич бюджетнинг солиқли даромадлари ижросини англатади.

Умуман, солиққа тортиш амалиётига оид иқтисодий адабиётда ва муаллифларнинг илмий чиқишларида солиқ тизими модернизацияси мазмуни сифатида турли тушунчалар талқин қилинмоқда (1-жадвал).

1-жадвал

Иқтисодий адабиётларда солиқ тизими модернизацияси мазмуни сифатида талқин этилган тушунчалар*

T/p	Солиқ тизими модернизацияси мазмуни сифатида талқин этилган тушунчалар	Муаллифлар	Адабиётлар манбаси
1.	Солиқ тизими модернизацияси натижасининг мазмуни мамлакатда амал қилувчи молиявий қонунчилик асосида солиқ тўловлари, имтиёзлари ва амалдаги солиқ режимидан самарали фойдаланиш асосида солиқ тушумлари реал ижроси ҳамда давлатнинг солиқли даромадлар асосидаги молиявий имкониятлари истикболларини белгилашга оид тадбирлари йиғиндисидир	Каролла Пессино, Рикардо Феночиетто	Pessino, C., & Fenochietto, R. (2016). Determining countries' tax effort.
2.	Солиқ тизими модернизацияси - ҳозирги замон шароитида давлат солиқ хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим йўналиши. Бунда солиқ тўловчиларнинг солиқ тўлай олиш ёки давлатнинг даромад олиш қобилияти баланси эътиборда бўлиши лозим.	Жорж Чун-Ян Куо	Kuo, C. Y. Estimation of Tax Revenue and Tax Capacity./ C. Y. Kuo//JDI Executive Programs.- 2015. – №. 2015-08.- 34p.
3	Солиқ тизими модернизацияси – солиқнинг фискал функциясидан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичи. Мазкур тушунчани амалдаги қонунчилик асосида белгиланадиган солиқ мажбуриятларининг бажарилиш тўлиқлиги сифатида ишонарли таърифлаш ва маълум даврда солиқ мажбуриятлари миқдорида келиб тушадиган солиқ тўловлари миқдори нисбати тарзида ифодалаш мумкин.	Муталимова П.М. Гираев В.К.	Урегулирование налоговой задолженности: комплексное решение // Российское предпринимательство. 2012. №22 (220). – с. 190-194; Комплексный подход к урегулированию налоговой задолженности // Казанская наука. 2013. №3. – с. 44-46
4	Солиқ тизими модернизацияси – солиқ органлари фаолиятининг рейтинг кўрсаткичи. Ушбу кўрсаткич солиқ тўловлари ҳақиқатдаги тушумлари миқдорини ўрганилаётган даврнинг энг кўп миқдорида бўлиш йўли билан ҳисоб-китоб қилинади.	Савинов И.Т. Сиражудинова С.И.	Налоговая задолженность: проблемы администрирования и пути регулирования // Региональные проблемы преобразования экономики. 2013. №3 (37). – с.210-213; Повышение эффективности налогового администрирования на современном этапе. Автореферат дис. На соиск. Уч. Степ. К.э.н.. Владикавказ, 2017, с.7.
5	Солиқ тизими модернизацияси натижаси бош миқдорий-фискал мезон бўлмиш – солиқ тушумлари ижроси даражаси ҳақиқатда тўланган солиқлар суммасини тегишли бюджетлар солиқли даромадлари режасига бўлиш орқали ҳисобланади. Аслида, ушбу тартибда ҳисобланган кўрсаткич бюджетнинг солиқли даромадлари ижросини англайди.	Вилкова Е., Позов И. Дьякова Е.	Система показателей, характеризующих налоговое состояние региона//Вестник Саратовского гос.соц.экон.унив-та, 2013,№3, с.96-99 Налоговый потенциал и бюджетная емкость территорий: отличия и взаимосвязь//Налоги и финансовое право, 2012, №9, с.140-145
6	Солиқ тизими модернизацияси натижаси – солиқ тизимини ва солиқ тушуми ижросини замон талабларида ташкил этишнинг асосий сифат кўрсаткичларидан бири	Бердиева У.А.	Improving tax revenue collection in Uzbekistan. // International Journal of Economics, Commerce and Management United Kingdom ISSN 2348 0386 Vol. VII, Issue 6, June 2019. Page 342-348

*Адабиётларни ўрганиш асосида муаллиф томонидан тузилди.

Таҳлил ва натижалар

Ҳозирги кунда ҳар қандай мамлакатнинг солиқ тизими нафақат давлат молиявий тизимининг таркибий қисми сифатида, балки шу билан бирга иқтисодий тартибга солиш умумий тизимининг ҳам энг муҳим бўғинидир.

“Солиқ тизими” атамаси, гарчи бу ибора Солиқ кодексида мавжуд бўлса ҳам, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида қатъий тарзда белгиланмаган. Биз учун бу муҳим, чунки меъёрий тасдиқланган концепция йўқлиги сабабли, турли муаллифлар бу атамани бошқача талқин қилишади.

Шу муносабат биз, иқтисодий адабиётларда муаллифлар қарашларини умумлаштирган ҳолда, мазкур тушунчага қуйидаги таърифни таклиф қилишни ўринли деб ҳисоблаймиз:

Солиқ тизими - бу бюджетга солиқ тўловларини йиғиш жараёнида давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг моҳиятини тавсифловчи асосий элементлар мажмуидир. Асосий элементларга давлатда мавжуд бўлган солиқ тўловларининг турлари, солиқ қонунчилиги ва солиқ маъмуриятчилиги тизими киради.

“Модернизация” атамаси одатда такомиллаштириш, яхшилаш маъносида, энг янги талаблар, меъёрлар ёки стандартларга мувофиқ амалга оширилиши керак бўлган такомиллаштириш сифатида ишлатилади.

Мазкур илмий мақоламиз солиқ тизимини модернизация қилишга бағишланганлиги сабабли унинг мазмун-моҳияти белгиланган мақсадларга жавоб бериши учун “солиқ тизимини модернизация қилиш”га қуйидагича таъриф беришни лозим топдик.

Солиқ тизимини модернизация қилиш - бу унинг элементларини давлатнинг ташқи ва ички солиқ сиёсати талабларига мувофиқ такомиллаштиришдир.

Шундай қилиб, солиқ тизимини модернизация қилиш концепциясини шакллантириш учун биз Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимининг барча элементларини кўриб чиқишимиз, шунингдек, уларнинг фаолиятининг асосий муаммоларини аниқлашимиз керак.

Солиқ тизимини модернизация қилиш давлатнинг солиқ сиёсатига мос келиши керак, бу эса ўз навбатида унинг молиявий сиёсатининг ажралмас қисми ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, модернизация амалга оширилиши керак бўлган қуйидаги йўналишларни ажратиб кўрсатиш керак.

Бу қуйидаги тадбирларнинг амалга оширилишини талаб этади:

1. Товарлар, капитал, ишчи кучи, интеллектуал мулк ва бошқалар ҳаракатидаги тўсиқларни бартараф этиш мақсадида солиқ қонунчилигини ҳамкор давлатлар қонунчилигига мувофиқлаштириш.

2. Давлат ҳудудида инвестицион жозибадор солиқ маконини яратиш.

3. Ички солиқ қонунчилигини тузилган халқаро шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларга мувофиқлаштириш.

4. Қарама-қаршилик ва ноаниқликларни бартараф этиш мақсадида солиқ қонунчилигини такомиллаштириш.

5. Солиқ маъмуриятчилиги тизимини такомиллаштириш.

Солиқ муносабатларини унинг иштирокчилари манфаатларини уйғунлаштириш вазифаси орқали янгича идрок этиш иқтисодий интеграция йўлидаги тўсиқларни бартараф этишдан иборат. Солиқ муносабатларини манфаатлар мугтарақлиги асосида уйғунлаштириш ўз олдига қуйидаги вазифаларни қўяди:

- хўжалик юритувчи субъектлар учун тенг рақобат шароитларини яратиш мақсадида солиқ чегараларини бекор қилиш;

- интеграция жараёнларининг асосий двигатели сифатида халқаро ташкилотга аъзо мамлакатларнинг ички бозорини бирлаштириш ва бирлаштириш;

- солиқ тизимларининг тузилишини, солиқларнинг асосий турларини ундириш тартибини мувофиқлаштириш.

Хулоса

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини модернизация қилиш жараёнининг илк босқичи кузатилаётганлиги ҳамда унинг давлат бюджети даромад қисмини шакллантиришнинг асосий механизми бўлганлиги сабабли уни модернизация қилиш ресурслари ва кўламини янада чуқурроқ ўрганиш ва баҳолаш зарур. Бу талабларнинг миллий иқтисодиёт хусусиятларига қай даражада мос келишини ҳам ҳисобга олиш зарур. Солиқ тизимини модернизация қилиш муаммосининг аҳамияти шундан иборатки, жаҳон бозори иқтисодиётига нафақат йирик корхоналар, балки мамлакатнинг кичик ва ўрта корхоналари ҳам интеграциялашув жараёни содир бўлмоқда.

Мамлакатимиз солиқ тизимини модернизация қилишнинг энг муҳим жиҳатларини ўрганиш бир қатор назарий-таҳлилий хулосалар ва амалий тавсияларни асослаш имконини бери:

- Солиқ тизимини модернизация қилиш мураккаб ва мунозарали жараён. Хорижий амалиётда илмий изланишлар ривожланганига қарамай, республикамизда мамлакатимиз илм-фани томонидан ишлаб чиқилган назарий ва амалий умумлашмалар, солиқ тизимини модернизация қилишни белгиловчи фундаментал омилларни таҳлил қилиш, солиқ тизимини барқарорлаштиришга хизмат қилувчи устувор вазифалар ва амалга ошириш механизмларини тадқиқ этиш зарурияти мавжуд.

- Солиқ тизимини модернизация қилишнинг асосий устувор йўналиши, энг аввало, маҳаллий корхоналарга миллий ва хорижий инвестицияларнинг кириб келиши учун қулай солиқ муҳитини яратиш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини рағбатлантириш учун зарур шарт-шароитларни шакллантириш бўлиши керак.

- Солиқ механизмларини такомиллаштириш ва ўзгартириш орқали молиявий ресурсларни сафарбар қилиш ва ташқи қарзлардан мустақил бўлиш мумкин.

- Иқтисодиётнинг халқаро интеграциялашуви ва глобаллашуви шароитида солиққа тортиш тизимини модернизация ва уйғунлаштиришда кўплаб муаммолар мавжудлиги миллий солиқ қонунчилиги ва бошқа фискал норматив ҳужжатларни давлат томонидан тартибга солиш сустр амалга оширилаётганлигини таъкидламоқда.

- Солиқ ислохотининг асосий элементлари солиқ сиёсатининг стратегик йўналишларига мос келади: айрим солиқлар бўйича солиқ солинадиган базани белгилаш қоидаларидаги бу солиқларнинг иқтисодий мазмунини бузувчи ҳолатларни тузатиш орқали солиқ юкини камайтириш ва солиқ тизимини соддалаштириш.

- Солиқ сиёсати иқтисодий сиёсатнинг энг муҳим таркибий қисмларидан бири сифатида иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантиришни рағбатлантириш тизимига айлантирилиши керак. Асосий вазифани ҳал қилиш билан бир қаторда, ривожланиш ва макроиқтисодий барқарорликни сақлашнинг ҳозирги босқичида солиқ сиёсати яна тўртта умумлаштирилган вазифани ҳал қилиши керак: миллий даромадни максимал даражада оширишга эришиш, ички ишлаб чиқаришни ҳимоя қилиш, аҳоли даромадларини тенглаштириш ва тўлов баланснинг ижобий қолдиғини таъминлаш.

- Солиқ тизимини модернизация қилиш, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш, яширин иқтисодиёт даражасини пасайтириш, маҳаллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш, аҳолининг реал даромадларини ошириш ва шунга мос равишда

камбағалликни камайтириш, бюджет тақчиллигини камайтириш каби ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар билан бирга солиққа тортиш базасини кенгайтириш эса хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони. // Халқ сўзи, 2017 йил, 8 февраль.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси ни тасдиқлаш тўғрисида”ги №ПФ-60-сонли Фармони.

3. Pessino, C., & Fenochietto, R. (2016). Determining countries' tax effort.

4. Kuo, C. Y. Estimation of Tax Revenue and Tax Capacity./ C. Y. Kuo//JDI Executive Programs.- 2015. – №. 2015-08.- 34p.

5. Муталимова П.М. Урегулирование налоговой задолженности: комплексное решение // Российское предпринимательство. 2012. №22 (220). – с. 190-194;

6. Гираев В.К. Комплексный подход к урегулированию налоговой задолженности // Казанская наука. 2013. №3. - с. 44-46 .

7. Савинов И.Т. Налоговая задолженность: проблемы администрирования и пути регулирования // Региональные проблемы преобразования экономики. 2013. №3 (37). – с.210-213;

8. Сиражудинова С.И. Повышение эффективности налогового администрирования на современном этапе. Автореф. дисс. на соиск. уч. степ. к.э.н. Владикавказ, 2017, с.7.

9. Berdieva U.A. Improving tax revenue collection in Uzbekistan. // International Journal of Economics, Commerce and Management United Kingdom ISSN 2348 0386 Vol. VII, Issue 6, June 2019. Page 342-348